

**СУЛАЙМОН ҲАЙДАР**

# **ИЗТИРОБ**

*Ҳикоялар, қиссалар, роман (таржима)*

Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК 821.512.133-3  
КБК 84(5ў)6  
Ҳ 19

Ҳайдар, С.

Изтироб: ҳикоялар, қиссалар, роман (таржима) / С. Ҳайдар. –  
Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2020. – 280 б.

Сулаймон Ҳайдарни шоир сифатида яхши танийсиз. Шеърла-  
ридан бахраманд бўлгансиз.

Ушбу китобда иждокорнинг насрий асарлари жамланди. Унинг  
ҳикояларидаги ўзбекона самимийлик сизни ўзига маҳлиё этади.

“Изтироб” номли қиссасида ўтган асрнинг саксонинчи йилла-  
рида ўзбек халқининг бошига тушган мусибатлар тасвирланган.  
Шунингдек, тўпلامдан бир роман ва бир қисса таржимаси ҳам  
ўрин олган.

УЎК 821.512.133-3  
КБК 84(5ў)6

ISBN 978-9943-5698-7-4

© С. Ҳайдаров, 2020  
© Гафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2020

## ЮРТГА БЎЛГАН САДОҚАТ

Мустақил ватанимизнинг ҳар бир гўшаси ўз тарихига, ўтмишда из қолдирган муносиб ўрнига, салмоғига эга. Биздан аввалги минг-минг йиллаб ўтган замонларда бу азиз юртимиздан не-не алломалар, не-не кўзга кўринган инсонлар яшаб ўтмаган дейсиз. Бу фикрларни айна замонларда бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этиб келмоқда. Бутун биз кўҳна ва навқирон Касби тумани тўғрисида сўз юритар эканмиз, бу гўшанинг ўтмишлар силсиласида ўз нуфузли ўрнига эга бўлиб келганлигига амин бўламиз. Касби тумани ҳақида ўтмишда ва бизнинг замонамизда ҳам жуда кўплаб адабиётлар чоп этилган. Уларда меҳнаткаш халқ, илму урфон эгалари, донишмандлару ҳунармандлар ҳаёти, яратиб кетган эзгуликлари тўғрисида батафсил манбаларда ёритилган. Касби Буюк ипак йўлида жойлашганлиги билан ҳам ўтмишда диққатга сазовор бўлиб келган гўша. Бу юрт деҳқончилик, ҳунармандчилик, яратувчилик макони ҳисобланади. Пирёвалийлар яшаб ўтган бу гўшада улуғ пир Султон Мир Ҳайдар каби табаррук инсонлар ҳаёти кечган. Азизшоҳ Касбийий, Азизуддин Касбавий каби улуғ зотларнинг киндик қони томган. Соҳибқирон Амир Темур эса бу ўлкани ниҳоятда қадрлаганлиги тўғрисида ривоятлар мавжуд. Бу йил туман ташкил топганли-

гининг эллик йиллиги тантанали нишонланиши режалаштирилган. Касбилик ижодкор Сулаймон Ҳайдар Касбий навбатдаги китобини Касби тумани ташкил бўлганлигининг эллик йиллигига бағишлабди. Китобда ёритилган мавзулар китобхонни яқин ўтмишга қайтиб, фикр юритишга ундайди. Меҳнаткаш халқнинг бошига тушган ноҳақликларни ошкор қилиб беради. Биз касбиликлар юртимизда туғилиб, ижод қилаётган ҳар бир ижодкор билан фахрлансак арзийди. Зеро замин гавҳари ҳисобланган Ўзбекистонимизнинг кўзга кўринган илғор гўшалари қаторида Касби тумани ҳам ўз салмоқли ўрнига эга эканлиги қалбимизга яна ҳам завқ бағишлаб, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимиз билан меҳнат қилишга ундайди.

**Тўхтамурод МЕЙЛИЕВ,**  
Касби тумани ҳокими

*Ушбу тўплам КАСБИ тумани ташкил  
топганининг эллик йиллигига бағишланади.*

*(Муаллиф)*

## **СИРЛИ ЎЛИМ**

Комил ака ҳайдовчилик курсини тугатган. Ви-  
лоят маркази билан қишлоғининг ораси эллик-  
олтмиш чақиримлар бўлса-да, неча йиллардан  
бери қатнаб, шаҳарда такси ҳайдаган, яшаши ях-  
ши, бир эмас, иккита иморатни тиклаб қўйибди.  
Қишлоқ аҳли унга ҳавас қилишади. Ҳозир на-  
фақада. Ишлолмайди. Гоҳ-гоҳида оз-моз тижорат  
ишлари билан машғул бўлади.

Икки ўғил, икки қизини яхши тарбиялаган. Ҳам-  
маси уйли-жойли. Кенжа ўғил Олимжон отаси би-  
лан бирга туради. Катта ўғли қурувчи, Олимжон  
эса ота касбини тутди. Ҳайдовчиликни ўрганди,  
сўнгра Политехника институтини тугатган. Авто-  
машина устачилигига ҳавас ёшлигидан юрагига  
ғулғула солган бўлса керак. Отаси унга замонавий  
устахона қуриб берган. Олимжон зеҳни ўткирли-  
ги, чаққонлиги боис тезда “уста Олим”га айланди.  
Қўшни қишлоқлар, ҳатто қўшни туманлардан ми-  
жозлар ортгирди. Егани олдида, емагани ортида.

Унинг ишларидан отаси хурсанд, доимо ўғлига ҳалол ишлашни, мижозларни ранжитмасликни уқтириб келади. Лекин айрим инсонлар бўлади-ки, озроқ иши юришдими на ота-онанинг ва на атрофдагиларнинг насиҳатига амал қилади. Атрофдагиларга паст назар билан қарай бошлайди. Уста ҳам бора-бора шу тоифадаги одамга айланди, ҳатто отасини ҳам гапини писанд қилмасди. Асли болалигидан бироз кўрс одати бор эди. У баъзан ароқ ичиб олиб, “Жигули” сини у ёқдан бу ёққа елдириб юраверарди. Уни ДАН ходимлари ҳам кўрса, баъзида кўрмасликка олишарди. Сабаби, уларнинг ҳам машинаси бузилса, тузатиб берарди-да.

Бир куни яқин қариндошларидан бири машинаси учун олиб келган янги эҳтиёт қисмини бошқа машинага қўйиб юборибди. Қариндошининг машинасига эса эски эҳтиёт қисмини қўйган экан. У билиб қолиб роса жанжал қилди. Устанинг бу одати бошқа мижозларга ҳам ишлатилди. Улардан баъзилари Комил акага шикоят қилишган бўлса, айримлари бошқа устага борадиган бўлиб кетишди.

– Ўғлим, мижозларни ранжитсанг ўз нонингни ўзинг яримта қилсан, – дея койиди Комил ака. Фойдаси бўлмади. Уста билганидан қолмади.

Қиш кунларининг бирида Комил акани туман ДАН бошлиғи йўқлабди. Етиб борса ўғлининг машинасига жарима солишибди. Маълум бўлишича уста “Жигули” сига прожектор – қўшимча тунги ёритқич ўрнатиб олибди. Транспорт воситасига бундай ускуна ўрнатиш қонунга кўра таъқиқланар экан. Чунки қўшимча ёритқич тунда қарама-қарши келаётган транспорт ҳайдовчисига йўлни кўришни

қийинлаштириб, ҳалокатга сабаб бўларкан. Ота ўғил ўртасида шу туфайли можаро бўлиб ўтди.

– Ҳой аҳмоқ, сен босар-тусарингни билмай қолибсан. Ҳайдовчилик осон касб эмас. Шундай бўлса ҳам бир умр шу касбни эъзозладим. Сенларни яхши едирдим, ичирдим, лекин бировга ёмонликни асло раво кўрмадим. Йўл барча ҳайдовчи учун баробар. Бу ишинг охири бир фожиага бориб етади. Мана, мени айтди дерсан. Кейин афсус чекасан, фойдаси бўлмай қолади. Сендан қаттиқ талаб қиламан, бу одатингни ташла! Мен бу ишингга рози эмасман.

– Ота рози, Худо рози деган ҳикматни унутма!

Орадан уч кун ҳам вақт ўтмади. Устанинг бир оғайниси узоқдан келган меҳмонларининг машинасини тузатиб беришини илтимос қилиб келди. Меҳмонлар эрталаб кетишмоқчи экан, шунинг учун машинани тунда тузатиш зарур. Аксига олиб устанинг ўзида эҳтиёт қисм йўқ экан. Шаҳардан топилади. Кечки қоронғулик тушиб бўлганди. Уста кўшниси бўлган синфдошни ёнига олиб, шаҳар томон елиб кетди. Қиш ҳавоси бўлганлиги боис борлиқни туман қоплаган. Узоқ йўлни кўриш мушкул. Трассага чиқиб олишгач, уста яна отаси тақиқлаган ёритқични ишга солиб, тезликни оширди. Қаршисидан келаётган машиналар секинлашар, баъзилари таққа тўхтаб устанинг машинаси ўтиб кетишини кутарди. Уста ўз ишидан сархушланиб кулар, “кўрдингми” дегандай ёнидаги ўртоғига қараб-қараб кўярди.

Қирлиқдан оқиб ўтувчи сой кўпригига яқинлашганларида рўпарадан келаётган машинанинг ҳайдовчиси рулни бошқара олмай қолди, чамаси,

кучли қасир-қусур овозлар эшитилди. Машина эса қаерга ғойиб бўлганлигини ҳам сезмай қолишди. Бироз саросималанган уста тезликни яна оширди. Манзилга йигирма чақиримча масофа қолганди.

– Ҳа, кўрқдингизми ошна? – деди у шеригига, ҳамроҳи эса кўрқувдан жим эди.

– Кўрқма, оғайни, битта-иккита одам ўлгани билан дунё торашиб қолмайди, – деди ўртоғини чалғитиш учун ўзи ҳам бир ички изтироб билан хижолатомуз.

Манзилга етиб, керакли эҳтиёт қисмни олиб ортга қайтдилар. Сойга етиб келиш учун анча вақт ўтганди, келишса йўл ёпиқ, автокран билан тушиб кетган “Москвич”ни “Камаз”га ортиб бўлишган экан.

– Тинчликми? – деб сўради уста ДАН ходимларидан.

Назаримизда ҳайдовчи йўлни кўрмай қолган. Улар икки киши экан.

– Аҳволлари яхшими? Тирикми?

– Ҳайдовчи ўлган, ёнидагиси касалхонада, аҳволи оғир.

– Машинани бошқара олмайдиган одам рулга ўтириб нима қиларди, – тўнғиллади уста заҳархандалик билан.

Беш-ўн дақиқадан кейин йўл очилди.

– Дўстим, “туя кўрдингми, йўқ”, – деди уста шеригига тиржайиб.

Сир-сирлигича қолди. Аммо ярим соатдан кейин устанинг отаси касалхонада эканлигидан хабар келди. Тезда етиб боришди. Комил ака оғир-оғир нафас олар, ҳеч кимни танимасди. Тақдирни қаранг-ки, сойга қулаган машина ўзларидан уч



ҳовли нарида турувчи қўшнилари Зокир аканики бўлиб, машинада устанинг отаси ҳам бор эди.

Эртасига қўшнилари Зокир акани тупроққа топширишди. Комил ака қўшнисига шаҳарга тижорат мақсадида олиб боришини илтимос қилган, қайтишда улар устанинг ёритқичига рўпара келишганлигини ҳеч ким билмади.

Комил ака ҳам уч кун яшади. Дўхтирлар унинг ёнига фақат ўғли Олимжонни кириб чиқишига рухсат беришди.

Ота шўрлик ўлими олдидан бир дақиқа, йўқ, ярим дақиқагина алахсиб қолди.

– “Ана, ана рўпарадан кучли чироқ, чеккага, чеккага”, – дея олди, холос. Бу сўзларни ўғли уста Олим ўз қулоқлари билан эшитди. Аламзада ўғил нима қилишини билмасди. Онасининг, сингилларининг, айниқса кекса бобоси ва бувисининг оху зорларига чидай олмасди. Ўзи билан машинада бўлган синфдоши Саиднинг бетига қарай олмай, карахт бўлиб қолганди. Отасининг ўлиmidан уч кун ўтиб, устанинг бошига яна бир ташвиш тушди. Азонда кўҳна Бухоро осмонида ўрлаган аланга халқни оёққа турғазди. Уста Олимнинг устахонаси ва машинаси ўт ичида қолганди. Ўт ўчирувчилар етиб келишганида устахона ҳам, машина ҳам кули кўкка совурилганди.

Энди одамлар Комил аканинг бевақт ўлганини эсларидан чиқариб, боёқиш ўғлининг бошига тушган фожиадан афсусланардилар. Ҳақиқат эса уста ҳамда синфдоши Саидга ва Оллоҳагина аён эди. Сир эса сирлигича қолаверди.

## ЁЛҒОН ГАПДАН БОШЛАНГАН ҲАЁТ

Шаҳзода ёшлигидан эрка бўлиб ўсди. Ёлғизгина дилбандларининг тенгқурларидан кам бўлмаслигини истаган ота-онаси унинг кўнгли нимани тусаса муҳайё қилишди. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Мактабни тугатди. Ота-онаси уни не-не орзулар билан олийгоҳда ўқишига рухсат беришди. Ҳарқалай отасининг танишларини озгина кўмагими ё бахти чопдими, Шаҳзода ўқишга илинди. Эҳ, қандай бахтли онлар эди у дамлар. Кириш имтиҳонлари, маънафат ҳам ўтиб бўлган, ўқиш бошланишига уч-тўрт кун қолганда: ота қизини гапга тутди.

– Қизим, энди нима қилмоқчисан?

– Ўқийман-да, ахир энди дадажон, дея Шаҳзода қулиб жавоб берди.

– Тўғри, жуда яхши, ўқийсан. Энди катта қиз бўлиб қолдинг. Онанг билан биз сени яхши ўқишинг учун ҳамма шароитни яратиб берамиз. Тўғрими онаси? – Ботиржон хотинига юзланди.

– Албатта, – жавоб берди Ойниса.

– Бироқ, – давом этди ота. – Менинг гапларимга қулоқ сол, қизим, ҳозир замон бошқача. Айрим ёшларимиз ҳаётга енгил қарайди. Арзимас сабаблар билан ўз ҳаётини, келажагини барбод қилиб қўйганлариям кўп. Ҳарқалай, биз бунақаларнинг кўпини кўрганмиз, эшитганмиз. Гапнинг қисқаси,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/6872> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/6872> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/6872>